

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЗИЯЕВА ЭЪТИБОРХОН РАСУЛЖОНОВНА**

**ОҒРИҚ СИНДРОМИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН СУРУНКАЛИ  
САЛЬПИНГООФОРИТЛИ АЁЛЛАРДА ТЕРАПЕВТИК  
ТАДБИРЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 - Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Зияева Эътиборхон Расулжоновна**

Оғрик синдроми билан асоратланган  
сурункали сальпингофоритли аёлларда  
терапевтик тадбирларни оптималлаштириш..... 3

**Зияева Эътиборхон Расулжоновна**

Оптимизация лечебных мероприятий  
у женщин с сальпингофоритами, осложненными  
болевым синдромом..... 25

**Ziyaeva Etiborkhon Rasuljonovna**

Improving the treatment of women with  
salpinogophitis complicated with pain syndrome..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 56

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЗИЯЕВА ЭЪТИБОРХОН РАСУЛЖОНОВНА**

**ОҒРИҚ СИНДРОМИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН СУРУНКАЛИ  
САЛЬПИНГООФОРИТЛИ АЁЛЛАРДА ТЕРАПЕВТИК  
ТАДБИРЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 - Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2201 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рўзиева Нодира Ҳакимовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Каримова Феруза Жавдатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Закирова Надира Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025-йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 132А-уй). Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz.

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 132А-уй). Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz.

Диссертация автореферати 2025-йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилган.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.С. Надирханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**А.М.Бабаханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, PhD

**М.М. Асатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессо-

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сурункали сальпингоофорит (ССО) (аднексит) ҳақли равишда амалий гинекологияда энг кенг тарқалган патологиялардан бири ҳисобланади, унинг частотаси 60-65% га етади. Ушбу патологияни даволаш муддати кўп ҳолларда беморнинг фертилик даври давомийлиги билан таққосланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра, сурункали сальпингоофорит билан касалланган беморларнинг тахминан 70% йилига камида икки марта даволанади, аммо уларнинг 40% унинг самарадорлигидан мамнун эмас.<sup>1</sup>

Жаҳон миқёсида ССОни олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ССО билан беморларнинг даволаниш самарадорлиги пастлиги туфайли бу касаллик бемор аёлларнинг репродуктив фаолиятига жуда салбий таъсир қилади, 24-30% ҳолларда эса сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғига (СТОС) сабаб бўлади, 1- 5% ҳолларда эктопик ҳомиладорликка олиб келади, шу билан бирга СО билан касалланган беморларнинг тахминан 40% бепуштлиқдан азият чекади.<sup>2</sup> Сурункали тос оғриғи синдромининг мавжудлиги кўпинча жисмоний ва руҳий соҳаларда касалланиш келтириб чиқаради, бу ўз навбатида никоҳда мослашувнинг бузилишига олиб келади ва шунга мос равишда ажралишларнинг кўпайиши, тез-тез вақтинчалик ёки ҳатто доимий меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келиб уни тиббий ва ижтимоий муаммога айлантиради. ССО узоқ давом этадиган ва тез-тез қайталанадиган клиник куруниш билан тавсифланади. Кўпинча СТОСга битишмалар, бепуштлиқ, тос бўшлиғида йирингли жараёнларнинг ривожланиши-пиосалпинкс, пиовар, тубоовариал абсцесслар сабаб бўлади. ССО билан аёлларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш, асоратлар кўрсаткичларини камайтириш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири бири сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилишга қаратилган муайян чора - тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

<sup>1</sup> Zaks N, Batuure A, Lin E, Rommel AS. Association Between Mental Health and Reproductive System Disorders in Women: A Systematic Review and Meta-analysis. // JAMA Netw Open. 2023 - №6(4) – p. e238-245

<sup>2</sup>Demetriou L, KrassowSqi. M., Abreu Mendes P, Garbutt K. Clinical profiling of specific diagnostic subgroups of women with chronic pelvic pain. // Front Reprod Health. 2023 - №5 – r.141-157..

яхшилаш....»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, аёлларда сурункали сальпингоофорит хавфини эрта ташхислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 августдаги ПҚ-296-сон "Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти VI Республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Бутун дунёда бугунги кунда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ССО муаммоси техник ва илмий тараққиётга қарамасдан, гинекологиянинг кўплаб олимлари ва тадқиқотчиларининг диққат марказидадир, бу эса ушбу патологиянинг тиббий аҳамиятини юқорилигини кўрсатади. ССОнинг клиник кўриниши турли хил: сурункали тос оғриғи синдроми; ҳайз фаолиятининг бузилиши; жинсий алоқа пайтида оғриқли ҳислар, жинсий йўллардан ажралма кўпайиши; бирламчи ёки иккиламчи бепуштлиқ; спонтан абортлар, эрта туғруқлар, ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияси; кўпинча овқат ҳазм қилиш органлари (гастроэнтероколит) ва сийдик тизими (цистит) ишида бузилишлар учраб туради; ССОнинг узоқ давом этиши ва тез-тез қайталанишида организмнинг асаб, эндокрин ва бошқа тизимларининг бузилишига, аёлларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятининг пасайишига олиб келади (Airiyaants I.R., Yagubov M.I., 2020). Ҳозирги босқичда жараённинг оғирлик даражасини аниқлаш ва бу тоифадаги беморларни даволаш тактикасини белгилаш имконини берадиган турли хил маркерларни аниқлаш биринчи ўринга чиқган. Асоратларнинг етарлича юқори даражаси, касаллик қайталанишининг катта фоизи, оптимал даволаш усулини қўллашда танловнинг мавжуд эмаслиги гинекологик амалиётда ушбу патологияни ташхислаш ва даволашга оптимал ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда келгусида тадқиқотлар олиб бориш

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

долзарблигига ишора қилади.

Мамлакатимиз олимлари (Н.А.Ахтамова 2021; Ф.И.Зокирова 2021)нинг қатор илмий ишлари ҳаётнинг турли ёш даврларида ССО ва СТОС билан хасталанган беморларни даволашга бағишланган. ССО билан аёлларни даволашнинг муваффақияти ўз вақтида ва оқилона бошқарув тактикаси, даволашни ўз вақтида бошлаш, патогенетик ёндашув ва тўғри танланган жарроҳлик даволаш усули билан белгиланади. Айнан шу тамойилларга аҳамият бермаслик ССОни даволашнинг паст самарадорлигини белгилайди; ССО билан хасталанган беморларнинг тахминан 70% йилига камида икки марта даволанади, аммо уларнинг 40% даволаш самарадорлигидан мамнун эмас (Elgendi M.,2020). Ушбу патологиянинг турли жиҳатлари ўрганилганига қарамай, ушбу патологияни даволаш (Borges A.L., 2023), усуллари таклиф қилинган ва синовдан ўтган бўлсада, ССО ва СТОС муаммоси (Zaks N, Batuuere A., Lin E., Rommel A.S.,2023) ўз долзарблигини йўқотмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг 012000273-сонли «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали юқумли бўлмаган касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги инновацион технологияларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оғриқ синдроми билан асоратланган сурункали сальпингофоритли аёлларнинг қонида оғриқ пептидлари (SP) ва цитокинлар таркибидаги ўзгаришларнинг хусусиятларини ўрганиш ва комплекс терапия усулини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали сальпингофоритнинг кўзғалиш частотаси ва типологик хусусиятларини касалликнинг кўзғалиши давомийлиги ва табиатига қараб аниқлаш;

сурункали сальпингофоритли беморларда қин микробиоценозини аниқлаш;

сурункали сальпингофорит билан беморларнинг қонида цитокин ҳолати ва оғриқ синдроми маркери SP моддаси хусусиятларини аниқлаш;

сурункали тос оғриғи синдроми бўлган аёлларда сурункали сальпингофоритни комплекс даволаш усулини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2018-2023 йиллар давомида Андижон вилояти перинатал маркази, ҳозирги вақтда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали гинекология бўлимида кўриқдан ўтказилаётган ва даволанаётган 136 нафар сурункали сальпингофорит билан ва сурункали тос оғриғи синдроми бўлган ва бўлмаган беморларнинг ташхис ва даволаш натижалари таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида аёлларнинг амбулатор карталари

(анкета), аёлларнинг биохимик ва иммунологик текширувлари учун веноз қони, қон зардоби ва қин ва бачадон бўйнидан олинган ажралма натижалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Умумий клиник, лаборатория, биокимёвий, иммунологик, инструментал (ультратовуш), социологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

касалликнинг давомийлиги ва кўзғалиши табиатига қараб сурункали сальпингоофоритни кўзғалиш частотаси ва типологик хусусиятлари ўрганилган;

касалликнинг давомийлиги ва кўзғалиши табиати билан боғлиқ бўлган ҳаёт сифати, даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли самарадорлигини сурункали сальпингоофорит билан оғриган беморларда катамнестик баҳолаш исботланган;

сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан оғриган аёлларда оғриқ пептиди SP динамикаси ва цитокин ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган, бу эса ушбу гуруҳда оғриқ пайдо бўлишининг яллиғланишсиз генези ҳақида гипотеза қилишга имкон бериши исботланган;

сурункали сальпингоофорит ва сурункали тос оғриғи синдроми бўлган аёлларда комплекс даволаш усуллари такомиллаштирилди ва унинг самарадорлиги баҳоланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

клиник амалиётга илмий асосланган диагностика мезонларини жорий этиш ва сурункали сальпингоофорит учун комплекс терапияни такомиллаш тириш кўзғалишлар частотасини ва уларнинг интенсивлигини камайтиришга, шунингдек беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши асосланган;

касалликнинг давомийлиги ва кўзғалиш хусусиятига қараб сурункали сальпингоофорит билан беморларни кузатишда клиник самарадорлик ва ҳаёт сифатини қиёсий таҳлил қилиш комплекс ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг терапевтик усулини ишлаб чиқилиши асосланган;

Сурункали сальпингоофорит учун комплекс терапияни клиник амалиётга жорий этиш кўзғалишлар частотаси ва интенсивлигини 2 баравар камайтиришга ва ҳаёт сифатини 1,3 баравар яхшиланиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган анамнестик, клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқотлардан фойдаланиш билан тасдиқланган, уларнинг натижалари статистик усуллар билан тўлиқ қайта ишланган, текширилган беморларнинг етарли сони, шунингдек уларни халқаро ва маҳаллий тажриба билан, олинган хулосалар ва натижаларини таққослаш ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборат, хулосалар ва ССО учун таклиф этилаётган даволаш усули диагностика ва даволашни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшади. Тадқиқот касалликнинг давомийлигига, кўзғалишлар частотаси ва интенсивлигига қараб

ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг турли босқичларида ССОли беморларда комплекс терапиядан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш имконини беради. ССОли беморларда қониқарсиз даволаниш натижаларининг сабабларини таҳлил қилиш беморларнинг ушбу тоифаси учун даволаш тактикасини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш имконияти изоҳланган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, сурункали сальпингоофорит билан оғриган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли босқичларида, касалликнинг давомийлиги, қўзғалишлар частотаси ва интенсивлигига қараб, комплекс даволи қўллаш бўйича оптимал тавсиялар ишлаб чиқилган. Клиник амалиётга киритилган ССО учун комплекс даводан фойдаланиш натижалари қўзғалиш частотасини, уларнинг интенсивлигини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самара бериши изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши.** Беморларда сурункали сальпингоофорит ва сурункали тос оғриғи синдромини ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида тасдиқланган:

*биринчи илмий янгилик:* аёлларда касалликнинг давомийлиги ва қўзғалишлари табиатига қараб сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз ҳаста беморларнинг миқдорий кўрсаткичлари ва типологик хусусиятлари ўрганилиши асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 12 декабрдаги би-55/У-сон қарори билан тасдиқланган “Сурункали тос оғриғи синдроми билан сурункали сальпингоофоритни комплекс даволаш услуги” мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Республика ихтисослаштирилган “Она ва бола саломатлиги” илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 12 декабрдаги 85-сонли, Фарғона вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 13 декабрдаги 104-сонли буйруғи билан, Наманган вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 22 декабрдаги 734-сонли буйруғи билан амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/114 сонлихулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сурункали сальпингоофорит билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини ва табиати билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан баҳолаш касалликни амбулатор даволанишнинг тез ва узоқ муддатли самарадорлигини аниқлашга имкон берди, айниқса бу билан қўзғалишлар частотасини камайтириш ва ўз вақтида сурункали сальпингоофорит ташхиси қўйилган аёллар учун даволаш натижаларини яхшилашга, даволанишдан норозиликни 45-50 фоизгача камайтиришга олиб келади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Сурункали сальпингоофорит билан ҳаста аёлларда касалланишнинг камайишига, сурункали сальпингоофорит аёлларни тиклаш ва қайта даволаш харажатларини камайишига олиб келади. Бизнинг назоратимиздаги 106 нафар беморнинг қайта даволанишини қисқартириш

ҳисобига 33 миллион 338 минг 305 сўм маблағни тежаш мумкинлиги исботланган. *Хулоса:* касалликнинг давомийлиги ва табиатига қараб сурункали сальпингофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз ҳаста беморларнинг миқдорий кўрсаткичлари ва типологик хусусиятларини аниқлаш, шунингдек касалликнинг давомийлиги ва табиати билан боғлиқ ҳолда сурункали сальпингофорит билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш мазкур беморларни амбулатор даволашнинг тез ва узоқ муддатли самарадорлигини таъминлаш, ҳар бир нафар бемор учун 366 минг 355 сўмини тежаш имконини берди.

*иккинчи илмий янгилик:* касалликнинг давомийлиги ва кўзғалиши табиати билан боғлиқ бўлган ҳаёт сифати ва даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли самарадорлигини сурункали сальпингофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз оғриган беморларда катамнестик баҳолаш билан баҳоланиши бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 12 декабрдаги би-55/У-сон қарори билан тасдиқланган “Сурункали тос оғриғи синдроми билан сурункали сальпингофоритни комплекс даволаш услуги” мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги» илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 12 декабрдаги 85- сонли, Фарғона вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 13 декабрдаги 104-сонли буйруғи билан, Наманган вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 22 декабрдаги 734-сонли буйруғи билан амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/114сонлихулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Сурункали сальпингофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан йўки сурункали тос оғриғи синдромисиз беморларда ушбу касалликнинг тарихи 5-10 йилдан ортиқ давом этиши исботланган, даволанишнинг қийинлиги, кўзғалишларнинг кўп марта кузатилиши билан ажралиб туради, сурункали тос оғриғи синдроми аёлларга катта ташвиш туғдиради. Тадқиқот даврида бундай беморларнинг аҳволи оғир, улар ёмон кайфиятда, улар ўзларига жой топа олмайдилар, беморларнинг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда даволаш усуллари кўллаш касалликнинг оғирлик даражасининг пасайишига олиб келди. Беморлар руҳий жиҳатдан хотиржам бўлдилар.уларнинг субъектив хавотирлари бутунлай тинчиди, масалан, таранглик ва кўрқув, бу ҳолатлар касалликнинг кучайишини тўхтатади ва беморнинг ижтимоий қарашларини юмшатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* натижалар сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки у сиз ҳолда 54 нафар беморларда 11 600 000 сўм миқдорида тежамкорликка эришиш мумкинлиги исботланган *Хулоса:* беморларнинг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда даволаш усулларида фойдаланиш касалликнинг оғирлигининг пасайишига, кўзғалишлар сонининг камайишига, зўравонлик даражасининг пасайишига, даволаш самарадорлигининг ошишига олиб келади, шунингдек, ҳар бир бемор учун камида 250000 сўм харажатларни камайтиришга эришилган.

*учинчи илмий янгилик:* Сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан оғриган аёлларда оғриқ пептиди (SP) динамикаси ва цитокин ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари аниқланиши, шунингдек, оғриқ пайдо бўлишининг яллиғланишсиз генези ҳақида гипотеза қилишга имкон бериши ҳақидаги таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 12 декабрдаги би-55/У-сон қарори билан тасдиқланган «Сурункали тос оғриғи синдроми билан сурункали сальпингоофоритни комплекс даволаш услуги» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Республика ихтисослаштирилган «Она ва бола саломатлиги» илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 12 декабрдаги 85-сонли, Фарғона вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 13 декабрдаги 104-сонли буйруғи билан, Наманган вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 22 декабрдаги 734-сонли буйруғи билан амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/114 сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз беморларнинг қон зардоби таҳлил қилинганда сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз беморларда беморларнинг қонида цитокин ҳолати ва оғриқ синдроми маркери SP моддаси хусусиятларини ўрганишлар яллиғланиш цитокинларида катта ўзгаришлар бўлмаганлиги, аммо оғриқ пептиди SP кўрсаткичлари очик сурункали тос оғриғи синдроми индексларида оғриқ даражалари билан мутаносиб равишда юқори эканлиги аниқланган. Бу натижа шуни кўрсатдики, сурункали сальпингоофорит кўзғалиши билан беморларда сурункали тос оғриғи синдромининг кўпроқ нейроген характерга эга бўлиши аниқланган, яллиғланиш белгилари сезиларли даражада сусаяди, беморларнинг руҳий ҳолати яхшиланади, сурункали сальпингоофорит нинг кўзғалиш даври қисқаради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Ҳар бир бемор учун 125 000 сўмга иқтисодий харажатлар камайтирилди. Агар асосий гуруҳда 54 нафар бемор бўлган бўлса, 6 750 000 сўм тежалди. *Хулоса:* оғриқ пептиди SP динамикасини аниқлаш ва сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз аёлларда цитокин ҳолатининг хусусиятларини аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш сурункали тос оғриғи синдромининг олдини олиш имкониятини исботлади ва бу билан катта ижтимоий ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги исботланган.

*тўртинчи илмий янгилик:* Сурункали сальпингоофорит бўлган аёлларда сурункали тос оғриғи синдромини ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштирилган, клиник амалиётга жорий этилган ва тавсия этилган SP оғриқ воситачиси миқдорини камайтирадиган невротик препаратларни қўллашга асосланган комплекс терапиянинг самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон Давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 12 декабрдаги би-55/У-сон қарори билан тасдиқланган “Сурункали тос оғриғи синдроми билан сурункали сальпингоофоритни комплекс даволаш услуги” мавзусидаги услубий

тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Республика ихтисослаштирилган “Она ва бола саломатлиги” илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 12 декабрдаги 85-сонли, Фарғона вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 13 декабрдаги 104-сонли буйруғи билан, Наманган вилояти филиали бўйича гинекология бўлими амалиётига 2023 йил 22 декабрдаги 734-сонли буйруғи билан амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/114 сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз аёлларнинг қон зардобини таҳлил қилишда оғриқ пептиди SP нинг динамикасини ва цитокинлар ҳолатининг хусусиятларини ўрганиш ҳолати унинг қон зардобидаги миқдорини камайтириш ғоясига олиб келди. Бу ҳолат SP оғриқ воситачиси миқдорини камайтирадиган невротик дори-дармонлари таъсирида амалга оширилди ва комплекс даволаш чоралари сурункали тос оғриқ синдромини келтириб чиқарадиган яллиғланишсиз сурункали сальпингоофоритнинг қайталанишини олдини олишга, беморларни жисмоний ва руҳий ҳолатини кўтаришга, шунингдек, SP миқдорини камайтиришга, умуман аёллар соғлигини яхшилашга қаратилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* сурункали тос оғриғи синдроми вақтида оғриқ пептиди SP ишлаб чиқаришни камайтириш аёлларда касалхонада ётиш даврини ва қайта касалхонага ётқизиш сонини кескин камайтиради. Ҳар бир бемор учун касалхонага ётқизиш ва дори-дармонлар кунига 125 000сўм сарфланса, касалхонада ётиш вақти 2 кунга қисқартирилган бўлса, 54 та асосий гуруҳдаги беморлар учун 13 500 000 сўмни тежаш мумкинлиги исботланган. *Хулоса:* Сурункали сальпингоофорит сурункали тос оғриғи синдроми билан ёки сурункали тос оғриғи синдромисиз аёлларда кўзғалишлар сонини камайтириш учун амалиётда SP ва цитокинлардаги характерли ўзгаришларни чуқур ўрганиш натижаларига асосланган комплекс даволаш усулини қўллаш сурункали сальпингоофорит билан беморларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш ижтимоий ва иқтисодий самарага эришиш имконини бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларини апробация қилиш.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда, тезислар 7та, шулардан учтаси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 83 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯСИННИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотларнинг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги шакиллантирилган. Ўзбекистон Республикаси доирасида илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамияти, амалий тиббиётда тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сальпингоофоритнинг тарқалиши, этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш масалалари ҳақидаги замонавий тушунча. Қин микробиоценоз ҳолати ва сальпингоофоритда иммунитет реакцияси. Гинекологияда сурункали тос аъзоларининг оғриқ синдроми”** (адабиётлар шарҳи) деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва чет эл тадқиқотлари адабиётларининг шарҳи келтириб ўтилган. Кўриб чиқишда сальпингоофоритнинг тарқалиши, этиологияси ва патогенези, диагностикаси ва даволаш бўйича жорий маълумотлар таҳлили, қин микробиоценоз ҳолатининг нюанслари, сальпингоофорит ва бошқа гинекологик патологияларда иммунитет реакцияси ва сурункали тос аъзоларининг оғриқ синдроми ҳақидаги маълумотлар батафсил кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Сальпингоофоритли беморларнинг умумий клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** номли иккинчи бобида тадқиқот дизайни, клиникаси, лаборатор инструментал ва статистик усуллари ўз ичига қамраб олган, ҳамда тадқиқот методологияси тавсифлайди.

2018–2023 йилларда, ҳозирда Республика ихтисослаштирилган «Она ва бола саломатлиги» илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали, деб номланаётган Вилоят перинатал маркази гинекология бўлимида сурункали тос оғриғи синдроми бўлган ва бўлмаган 136 нафар репродуктив ёшдаги (ўртача ёши  $27,8 \pm 2,89$ ) аёлларни ташхис ва даволаш натижаларини таҳлил қилинган.

Асосий гуруҳга (АГ) анамнезида давомийлиги 10 йил бўлган ССО сурункали тос оғриғи синдроми билан ва қин дисбиози мавжуд бўлган 54 нафар беморни киритилган, ўртача  $28,2 \pm 1,34$  ёшни ташкил этди. Солиштириш гуруҳига (СГ) анамнезида давомийлиги 5-10 йилгача бўлган ССО билан сурункали тос оғриғи синдроми кузатилмаган, ичак дисбиози бўлмаган ўртача  $28,8 \pm 1,17$  ёшни ташкил қилган 52 нафар аёлларни киритилган. Назорат гуруҳи (НГ) ўртача ёши  $28,6 \pm 1,25$  бўлган 30 нафар амалда соғлом аёллардан иборат. ССО билан касалланган беморларни комплекс текширишда шикоятларга эътибор қаратилган ва касалликнинг фаол тарихи батафсил тўпланган, лаборатория, умумий клиник ва инструментал текшириш усуллари ўтказилган. Аёлларнинг ҳаёт анамнези ва акушерлик-гинекологик анамнезини

диққат билан ва фаол равишда ўрганилган, касалликнинг бошланиш вақти, ўзгаришлар динамикаси ва сурункали сальпингоофорит клиник шикоятлари ва белгиларининг табиатига алоҳида эътибор қаратилган. Жинсий аъзоларнинг яллиғланишли ва яллиғланишсиз патологияларига эътибор қаратган ҳолда, ҳар бир беморнинг тарихидаги барча касалликларни (препубертат ва пубертат даврларда) қайд этилган.

Рақамли рейтинг шкаласи (РРШ) ёрдамида ўрганилган беморлар сурункали тос оғриғи синдроми даражасини субъектив равишда баҳоланган, касалхонада ташвиш ва депрессия шкаласидан (ХАДС) ва онлайн Спилбергер-Ҳанин тестидан (“Спилбергер СТАИ тести”) фойдаланилган.

Лаборатория тадқиқот усуллари: қон ва сийдикнинг умумий клиник таҳлили, веноз қон ва сийдикнинг батафсил биокимёвий таҳлили, яллиғланиш олди цитокинларнинг (ТНФ- $\alpha$ , ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-6) концентрацияси ва даражасини ўрганиш, яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4, SP (субстанция Р) моддасининг концентрацияси, қин ажралмаларининг микробиологик тадқиқотлари Фемофлор-скрин ёрдамида амалга оширилди. Беморларни клиник кўриқдан ўтказишнинг барча босқичлари гинекологик диагностика қодалари ва меъёрларига мувофиқ амалга оширилган ва сурункали сальпингоофорит клиник кечиши сурункали тос оғриғи синдромининг оғирлик даражаси бўйича баҳоланган. Текширилган беморлар гуруҳларини коррекцион даволаш тури бўйича 2 та кичик гуруҳ А ва Б гуруҳларига ажратилган. А кичик гуруҳидаги беморлар стандарт даво олган, уларда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт муассасаларида гинекологик касалликлар диагностикаси ва даволаш стандартлари–2017» миллий стандартига мувофиқ дори воситалари ва чоратадбирлар киритилган. Б кичик гуруҳлардаги беморлар, стандарт даволашдан ташқари, яллиғланишга қарши, иммуномодуляторлар (Германия, фаол моддаси: трипсин, панкреатин, рутозид, химотрипсин, бромелин, липаза, амилаза, папаин "Вобензим" 3таблеткадан кунига 3 марта 10 кун қабул қилди), пробиотиклар – Тошкент, Сахаромицет боуларди (Биотерол 15 кун давомида овқатдан бир соат олдин кунига 1капсуладан 2 марта), Францияда ишлаб чиқарилган Б витаминлар мажмуаси (Беневрон БФ 1 таблеткадан кунига 3 марта 1 ой), турмуш тарзини ўзгартириш (уйқу 22.00 дан 8 соат, фаол узлуксиз ҳаракат –пиеда юриш кунига 5000 қадам, кун давомида сув ичиш режими: иссиқ сув 40 мл/кг, яллиғланиш кўзгатувчиларини истисно қилувчи элиминацион пархез (шакар, сут маҳсулотлари, мевалар, буғдой унидан бўлган маҳсулотлар, ошқозон-ичак трактининг ҳолати яхшиланмагунча (ич қотиши, диарея, дам бўлиш) мумкин эмас), буларнинг барчаси 3 ой давомида амалга оширилган.

Тадқиқот натижалари Microsof Office Excel–2019 дастурий пакети ёрдамида ўртача арифметик ва стандарт хатолик ( $M \pm m$ ), стандарт оғиш (с) ва стандарт оғишларни ҳисоблаш билан нисбий қийматлар (частота, %) вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усулларида фойдаланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилган.

Диссертациянинг, “Сурункали сальпингоофорит билан текширилаётган беморларнинг клиник, анамнестик, лаборатория ва инструментал хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган беморларни клиник текшириш натижалари келтирилган. Жинсий ҳаёт бошланишининг ўртача ёши  $19,8 \pm 2,7$ ни ташкил этган, 72 (67,9%) аёл турмуш қурган, 34 (32,1%) турмуш қурмаган, лекин 1-2 жинсий шериги бўлган. Ўрганилаётган беморларда соматик касалликлар орасида ЎРИ ( $43,7 \pm 4,2\%$ ), болаликдаги инфекциялар ( $16,9 \pm 3,1\%$ ), грипп ( $8,5 \pm 2,3\%$ ), сурункали пиелонефрит ( $9,9 \pm 2,5\%$ ) ни кўп учрашини аниқладик. Асосий гуруҳда болалик давридаги инфекциялар сезиларли даражада кўп учради  $35,7 \pm 7,4\%$  ( $p < 0,05$ ) солиштириш  $14,1 \pm 4,9\%$  ва назорат гуруҳига нисбатан  $12,1 \pm 4,6\%$  ( $p > 0,05$ ); сурункали пиелонефрит -  $18,8 \pm 2,8\%$  ( $p < 0,05$ ) мос равишда  $6,16 \pm 1,67\%$  ва  $4,28 \pm 1,95\%$  ( $p > 0,05$ ).  $23,34 \pm 3,48\%$  аёлларда анамнезида аппендэктомия ўтказилган, бу анатомик яқинлик ва операциядан кейинги битишмалар жараёнининг ривожланиши натижасида ССО нинг хавф омили бўлиши мумкин. Соматик касалликларнинг ичида ўрта даражадаги камқонлик АГ  $14,04 \pm 4,88\%$  ва СГ да  $12,04 \pm 4,58\%$  НГ га қараганда кўп учраган  $-2,42 \pm 1,29\%$  ( $p < 0,05$ ). (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Текширилаётган беморларнинг экстрагенитал касалликлари ( $M \pm m\%$ )

Экстрагенитал касалликлар	Асосий гуруҳ (n=54)	Солиштириш гуруҳи (n=52)	Назорат гуруҳи (n=30)
ЎРИ	25 (46,3%)	21 (40,4%)	11 (36,7%)
Болалар инфекцияси	19 (35,2%)	7 (13,5%)	4 (13,3%)
Грипп	6 (11,1%)	4 (7,7%)	2 (6,7%)
Сурункали пиелонефрит	10 (18,5%)	3 (5,8%)	1 (3,3%)
Аппендэктомия	19 (35,2%)	11 (21,2%)	7 (23,3%)
Ошқ.ичак.кас.	8 (14,9%)	6 (11,6%)	1 (3,3%)
Камқонлик	8 (14,8%)	6 (11,5%)	1 (3,3%)

Эслатма: \* -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан  $p \leq 0,05$

Ошқозон-ичак касалликлари, қин дисбиози учун хавф омили сифатида, шартли-патоген флоранинг ўсишига ва сурункали сальпингоофоритнинг қайталанишига олиб келувчи омил сифатида аёлларнинг  $11,89 \pm 2,68\%$  да аниқланган. Сурункали гастрит -  $4,93 \pm 1,78\%$ , ОИЯК -  $2,12 \pm 1,18\%$ , холецистит ва ўт йўлларидаги дискинезияси -  $2,09 \pm 1,19\%$ , сурункали панкреатит -  $1,42 \pm 0,89\%$  учраган. Ўрганилган беморлар орасида бирорта ҳам беморда юқумли патологиянинг кучайиши (уреаплазмоз, микоплазмоз, хламидия, I ва II турдаги герпес вируси) кузатилмаган, бирорта ҳам беморда ОИВ, HBsAg, HCV учун ижобий тестлар бўлмаган, токсоплазмоз ва қизилча кузатилмаган. ССО нинг қўзғалиши ўрганилган аёлларнинг  $16,94 \pm 3,13\%$ да

хайз кўриш даврида,  $3,54 \pm 1,72\%$  БИВ кўйиш билан,  $3,54 \pm 1,72\%$  ЎРИдан кейин,  $1,43 \pm 0,92\%$  тиббий абортдан кейин кузатилган.  $70,75\%$  беморларда 4-5 кун давомида касалликни қўзғалиши кузатилган бўлиб, уларнинг  $26,7 \pm 3,7\%$  анамнезида специфик урогенитал инфекцияни,  $44,72 \pm 9,13\%$  эса кандидоз этироф қилинган. Биз ушбу аёллар организмнинг иммунологик қаршилиги камайганлигига гувоҳ бўлдик. (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Сурункали сальпингофорит билан беморларда жинсий аъзоларнинг патологияси.

Ўтказган касалликлар	Асосий гуруҳ (n=54)		Солиштириш гуруҳи (n=52)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%
Сурункали сальпингофорит нинг қўзғалиши (йилига)	2	3,7	1	1,9	0	0
Носпецифик вульвовагинит	10	18,5	8	15,4	4	13,3
ББ инфекцияси	10	18,5	8	15,4	4	13,3
Жинсий аъзолардаги операциялар	7	13	7	13,5	2	6,7
Кандидоз	32	59,3	27	51,9	9	30

Эслатма: \* -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ( $p \leq 0,05$ )

ССО ли беморларнинг хаммасида (100%) клиник белгилардан қориннинг пастки қисмида оғриқ бўлган.  $71,70\%$  аёлларда ўртача симиловчи оғриқлар,  $28,30\%$  да ўткир кучли оғриқлар кузатилган. ССОи бор аёлларда носпецифик вульвовагинит  $16,22 \pm 3,08\%$ ,  $15,52 \pm 3,02\%$  цервицитлар аниқланган ва  $10,62 \pm 2,58\%$  жинсий аъзоларда олдин жарроҳлик аралашувлари ўтказилганлиги қайд этилди. Тадқиқотдаги  $71,7\%$  аёлларда  $54,7\%$  да субфебрил иситма кузатилган.

Қўлланилган рақамли рейтинг шкаласи, касалхона ичи хавотир ва депрессия шкаласи (HADS) ва Спилбергер STAI тестидан фойдаланган ҳолда, беморларда ССО қўзғалиши даврида оғриқнинг кучи, умумий соматик ахволи, сурункали тос оғриғи синдроми кучини, хавотир даражасини, депрессия, шахсий ва реактив хавотир даражаси аниқланган.

Беморларни субъектив баҳолаш натижаларини таҳлил қилиб, сурункали сальпингофорит нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак деган хулосага келдик, чунки бу патология беморларнинг психологик ҳолатига сезиларли даражада таъсир қилади ва хавотирни сезиларли даражада оширади. (HADS) шкаласи бўйича депрессия субклиник даражага ( $p \leq 0,05$ ), Спилбергер (STAI) тестига кўра шахсий ва реактив ташвишларни сезиларли даражаси аниқланган ( $p \leq 0,05$ ). ССО ва СТОС нинг қўзғалиши даврида АГ ва СГи беморларининг ўз ҳолатини субъектив баҳолаш сурункали сальпингофоритнинг қўзғалиши бўлмаган даврида ҳам НГ дан сезиларли даражада фарқ қилади ( $p \leq 0,05$ ). Худди шу ҳолат ҳозирги вақтда беморлар ҳолатининг оғирлигини баҳолаш учун ҳам амал қилади; ( $p \leq 0,05$ ). (3-жадвал).

**Ўлчовлар ва сўровномалар бўйича сурункали сальпингофорит билан касалланган беморларнинг ўз ҳолатини субъектив баҳолаш ( $M \pm m$ )**

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=54)	Солиштириш гуруҳи (n=52)	Назорат гуруҳи (n=30)
Рақамли рейтинг шкаласи бўйича сурункали сальпингофорит кўзғалиш даврида жинсий органларда оғриқ	7,32±0,45*	6,45±0,86*	2,31±1,36
Рақамли рейтинг шкаласи бўйича ремессия даврида сурункали тос оғриғи синдроми даражаси	3,85±0,67*	-	-
Рақамли рейтинг шкаласи бўйича бемор ҳолатининг оғирлик даражаси	7,32±1,27*	6,37±1,09*	2,47±0,72
ҲАДС бўйича ташвиш	9,32±0,78*	8,17±0,46*	4,69±1,08
ҲАДС дапрессия	9,08±0,63*	7,83±0,67*	4,29±1,04
СТАЙ бўйича шахсий ташвиш	35,68±3,46*	34,12±3,62	28,36±2,74
СТАЙ бўйича реактив ташвиш	44,63±3,86*	42,61±3,79	34,32±3,43


Эслатма: \* -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ( $p \leq 0,05$ )

Гинекологик текширувда аёлларнинг 43,4%да ортикларнинг инфилтрациясини, пайпаслаганда 56,60%да - зичлашув аниқланди; барча беморларда бачадон ортикларини пайпаслаганда ўртача ёки кескин оғриқ кузатилган.

Периферик қоннинг умумий таҳлили барча беморларда яллиғланиш ўзгаришларининг йўқлигини, ёки аҳамиятсизлигини кўрсатди, 64,15% да ўртача лейкоцитоз  $12 \times 10^9/\text{л}$  гача, 44,34% да чапга силжиш аниқланган. Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг биокимёвий қон таҳлиллари натижалари назорат гуруҳидагилар билан деярли бир хил, яъни мос референс меъёрларидан ташқарига чиқмаган. Ультратовуш текширувида аёлларнинг 20,75%да тухумдонлар бироз катталашгани, 26,42% да бачадон найларининг озгина қалинлашиши, 13,21% да эса гидросалпингслар аниқланган. 30,19% да гипоехогенлик, 11,32% да тухумдон капсулаларининг катталашини кузатилган.

Беморлар орасида сурункали сальпингофоритнинг кўзғалиши ўзига хос хусусиятлари бизни сурункали сальпингофоритнинг кўзғалиш даври кечиши вариантларини аниқлаш, ажратиш ва уларни алоҳида ўрганиш ғоясига олиб келди. Тадқиқотда сурункали сальпингофоритнинг кўзғалиш даврининг турли хил вариантлари бўлган аёллар сони қуйидагича тақсимланган. Сурункали сальпингофоритнинг суст кўзғалиши (СК) мезонлари

қуйидагилар эди: симмиловчи, кучсиз тос оғриғи, бимануал текшириш вақтида бачадон ортиклари соҳасидаги ўртача ним оғриқ, гипертермия - 37,0 °С гача, умумий қон тахлилида лейкоцитоз -  $12,0 \times 10^9/\text{л}$  ва ундан юқори, лейкоцитлар формуласида чапга силжиши - 10,0% гача, эритроцитлар чўкиш тезлиги - 15 мм/сдан юқори. Сурункали сальпингоофоритнинг яққол кўзғалиши (ЯҚ) мезонлари қуйидагилар: қориннинг пастки қисмида ўткир, “кесувчи” оғриқ, бимануал текшириш пайтида бачадон ортиклари соҳасидаги ўткир оғриқ, гипертермия - 37,9°С дан юқори, лейкоцитоз умумий қон тестида  $-12,1 \times 10^9/\text{л}$  ва ундан юқори, лейкоцитлар формуласида диапазоннинг силжиш -10,1% дан ортиқ, эритроцитлар чўкиш тезлиги - 15 мм/соатдан ортиқ. Тавсия этилган мезонлар асосида, сурункали сальпингоофорит суст ва яққол ифодаланган кўзғалиш даври учун аниқ мезонлар ишлаб чиқарилган. Беморларнинг баллар йиғиндиси  $\leq 5$  бўлса, суст ифодаланган кўзғалиш даври деб белгиланган; баллар йиғиндиси  $\geq 6$  бўлса, яққол ифодаланган кўзғалиш даври деб белгиланган. (1расм).



**1 Расм. Иккала гуруҳдаги беморларни сурункали сальпингоофоритнинг кўзғалиши турига кўра тақсимлаш.**

Қин ва цервикал канал микробиоценозини тадқиқ этиш учун “Фемофлор-скрин” комплексидан (“ДАК-технология” ИИБ, РФ) реал вақт режимида фойдаланилган. АГ ва СГ беморларида яққол ифодаланган кўзғалиш даври ССО билан касалланган беморларда паразитоценозлар, суст ифодаланган кўзғалиш ССО билан таққосланганда статистика жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлган ( $p \leq 0,05$ ). Қин микроорганизмлари спектри кенгайгани сайин, яққол ифодаланган кўзғалиш даври кучайиши клиник жиҳатдан янада сезиларли бўлган. Нормал бактериал масса билан *Lactobacillus spp.* оиласи томонидан таъминланган нормал флора тадқиқот қилинган гуруҳларда паст фоизларда аниқланган-57,4-76,9%, нормал қиймат 80-100% деб ҳисобланган. Факультатив-анаэроб микроорганизмлар жуда фаол ўсиши билан тавсифланган— *Enterobacteriaceae* оиласи АГда

66,67% беморларда, СГда 28,8% беморларда, НГда фақат 13,3% беморларда аниқланган. Бу микроорганизмларнинг ўсиши мейоридан 4,5-5 баробар юқори бўлиб, статистик жиҳатдан сезиларли ( $p \leq 0,05$ ). Худди шу тенденция *Streptococcus spp.* ва *Staphylococcus spp.* оиласи томонидан ҳам кўрсатилган: АГ да бу микроорганизмлар 51,8% беморларда, СГ да 42,3% ва 46,1% беморларда аниқланган, ва НГ да *Streptococcus spp.* оиласи 13,3% беморларда (яъни, 3-4 баробар кам,  $p \leq 0,05$ ), *Staphylococcus spp.* оиласи эса умуман аниқланмади, бу ҳам статистик жиҳатдан сезиларлидир ( $p \leq 0,05$ ).

Шуни таъкидлаш керакки, ССО бўлган беморларда *Candida spp.* оиласи мавжудлиги тадқиқот гуруҳларида 61,54-66,67% ҳолларда аниқланган бу назорат гуруҳида фақат 10%, яъни НГдан 6,2-6,7 баробар кўпроқ ( $p \leq 0,05$ ). Бактериал текшириш натижаларга кўра, ССО бўлган беморларда қин микрофлорасида сезиларли дисбиоз мавжудлиги, патоген микроорганизмларнинг ўсиши ва нормал микрофлоранинг камайиши кузатилмоқда. АГ ва СГ ларида узоқ давом этаётган сурункали сальпингоофорит ва сурункали тос оғриғи синдроми билан боғлиқ дисбиоз ҳоллари кўпроқ бўлган. Бу даволашда комплекс ёндашувни талаб қилади. Беморларни биоценозини ўрганиш натижаларини таҳлил қилиниб, 4-жадвалда акс эттирилган микробиоценоз турлари аниқланган.

#### 4-жадвал

#### Сурункали сальпингоофорит беморларда қин микробиоценоз турлари

Микробиоценоз турлари	Асосий гуруҳ (n=54)		Солиштириш гуруҳи (n=52)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%
Нормоценоз	9	16,67	32	61,54	26	86,67
Оралик тур	22	40,74	16	30,77	4	13,33
Дисбиоз	23	42,59	4	7,69	0	0,00

Эслатма: \* -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ( $p \leq 0,05$ )

Шу билан бирга Ньюжент усули ёрдамида ўртача балл аниқланган бўлиб, АГда ўртача балл  $5,34 \pm 0,46$ га тенг, СГда  $3,87 \pm 0,52$  балл, НГда эса  $1,93 \pm 0,24$  балл. Шундай қилиб, ўртача балл бўйича асосий гуруҳда дисбиоз ва солиштириш гуруҳда микробиоценознинг оралик турини, назорат гуруҳда нормоценозни кўрсатган.

Ҳайз кўриш фаолиятини таҳлил қилиш, беморлар гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқ йўқлигини аниқланган, ҳамма гуруҳларда ҳайз кўриш ёши ўртача  $12,31 \pm 0,23$  йил ( $p > 0,05$ ). Гуруҳдаги беморларнинг 84,91% мунтазам циклга эга, қолган беморларда циклнинг турли хил бузилишлар аниқланган. АГда ҳар бир бемор учун 0,8, СГда - 0,9, НГда - 1,9 ҳомиладорлик тўғри келган. Ҳомиладорлик натижаларига кўра туғруқ билан юқунланди: СГда  $41,52 \pm 7,83\%$ , АГда  $37,82 \pm 7,19\%$  НГда  $42,42 \pm 8,63\%$  -

( $p > 0,05$ ); тиббий аборт - СГда  $42,52 \pm 7,81\%$ , АГда  $48,27 \pm 7,36\%$  ва НГда  $13,27 \pm 8,73\%$  - ( $p > 0,05$ ); ўз - ўзидан аборт — ҳомиладорликнинг  $12,53 \pm 5,21\%$ ,  $13,65 \pm 5,41\%$  ва  $6,12 \pm 3,64\%$  - ( $p < 0,05$ ); ривожланмаган ҳомиладорлик-СГда  $5,02 \pm 3,06\%$ , мос равишда  $6,47 \pm 3,65\%$  ва  $4,05 \pm 2,96\%$  ( $p > 0,05$ ).

АГ ва СГда беморларнинг кўпчилиги йилига 3 ёки ундан кўп марта ССОнинг кўзғалиш бўлган. Яққол ифодаланган кўзғалишли ССОда кўп ҳолларда носпецифик вульвовагинит ташхисланган —  $35,73\%$ , ўртача олганда АГда  $18,43\%$  ва СГда  $16,12\%$  кузатилган ( $p \leq 0,05$ ). ССО суст ифодаланган кўзғалиш даврида *Candida spp.* қин микрофлорасида кўпроқ аниқланди: беморларнинг  $18,05\%$  да АГда ва  $16,02\%$  СГда ( $p > 0,05$ ) ва фақат НГда  $4,73 \pm 3,32\%$  ( $p \leq 0,05$ ). Бачадон бўйни патологиясини асосий гуруҳда  $18,63\%$ , солиштириш гуруҳда  $16,07\%$  ва назорат гуруҳда  $14,08\%$  да, яъни деярли бир хил частота топилган ( $p > 0,05$ ).

ССОли аёлларда СТОСнинг характерини аниқлаш мақсадида, айниқса ССОнинг суст кўзғалишида биз қон зардобда Р субстанция (SP) концентрациясини ўргандик. Субстанция Р нинг зардобдаги концентрациясини 5-жадвалда келтириб ўтилган.

#### 5-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳлари беморларида зардобдаги SP даражалари ( $M \pm m$ ).

Гуруҳ	Кўзғалиш тури	SP концентрацияси, пг/мл
Асосий гуруҳ (n=54)	Суст ифодаланган кўзғалиш (n=26)	$2249,17 \pm 15,46^*$
	Яққол ифодаланган кўзғалиш (n=28)	$1219,34 \pm 66,98$
	Ўртача	$2241,75 \pm 13,08$
Солиштириш гуруҳи (n=52)	Суст ифодаланган кўзғалиш (n=23)	$1103,28 \pm 65,45^*$
	Яққол ифодаланган кўзғалиш (n=29)	$134,65 \pm 5,47$
	Ўртача	$187,82 \pm 10,08$
Нazorat гуруҳи (n=30)	Ўртача	$130,5 \pm 5,05$

Эслатма: \* -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ( $p \leq 0,05$ )

SP нинг сезгирлиги ва спецификлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш зардобдаги SP даражасининг маълум бир аниқлик нуқтасини топишга имкон беради. Бу нуқтадан юқори кўрсаткич, оғриқ асосан нейроген хусусиятга эгаллигини исботлайди -  $1997,98$  пг / мл ( $2000$  пг/мл яхлитланган). Ушбу аниқлик нуқтасида усулнинг сезувчанлиги  $88,12\%$ , спецификлиги  $98,16\%$ га эга. АГ ва СГдаги беморларда SP даражаси  $\leq 2000$  пг/мл бўлган ҳолларда, SP концентрацияси ва кўзғалиш оғирлиги ўртасида ўртача кучли тўғри корреляция кузатилди ( $r=0,479$ ;  $p=0,001$ ). Шунингдек, ўртача кучли ва ўртача даражадаги оғриқ ( $SP < 2000$  пг/мл) ССОнинг кўзғалиш давридаги яллиғланиш даражасига мос келди.

АГ ва СГдаги  $SP > 2000$  пг/мл бўлган беморларда кучли оғриқ SP концентрацияси ва яллиғланиш оғирлиги ўртасида жуда заиф ижобий боғлиқлик билан тавсифланди ( $r=0,0078$ ;  $p=0,911$ ), яъни  $SP \geq 2000$  пг/мл бўлган атипик оғриқ ССО нинг зўрайиш давридаги яллиғланиш оғирлиги билан боғлиқ эмас. ССО зўрайишига нейроген компонентнинг қўшилиши кескин ўткир оғриқ билан намоён бўлади, бу эса ҳатто яллиғланишнинг

клиник симптомлари сезиларли бўлмаган ҳолатларда ҳам яққол ифодаланган сурункали тос оғриғига олиб келади.

Беморларда оғриқ кучи ва сурункали сальпингофорит авж олиши белгилари ўртасидаги фарқ омили ўрганилаётган аёлларнинг иммунитет ҳолатидаги турли хил ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги аниқланган.

